

«Аллох – Ундан ўзга илох йўк. У Хайй ва Койюмдир. Уни мудрок хам, уйку хам олмас. Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир. Унинг хузурида Ўзининг изнисиз хеч ким шафоат кила олмас. У Зот уларнинг олдиларидаги нарсани хам, ортларидаги нарсани хам билур. Унинг илмидан хеч нарсани ихота кила олмаслар, факат Ўзи холаганини, холос. Унинг Курсиси осмонлару ерни камраган. Уларнинг мухофазаси ўнга огир келмас. Ва У Алий ва Азиймдир» (Бакара сураси, 255-оят).

Бу ояти карима «Курси ояти» номи билан машхур бўлиб, ушбу оятда келган хар бир сифатнинг ўзи умумий исломий тасаввурлардан бирига коида бўлади. Ушбу ояти кариманинг биринчи жумласида келган сифат Аллох таолонинг ягоналигини хеч шубхасиз, исбот килади. Бошка динларда пайдо бўлган нотўгри акийдаларни хам тўгрилайди. Пайгамбарлардан кейин ихтилофга тушган умматлар Аллохнинг сифатларида хам ихтилоф килишган. Мисол учун, христианлар (насоролар) Ийсо алайхиссаломдан кейин бутунлай адашиб, Аллохнинг зоти хакида нотўгри акийдага бордилар. Улар учлик назариясини яратиб, «Аллох уч зотнинг учинчисидир», дейишган. Бошкалар хам шунга ўхшаш ихтилофлар килишган. Исломий тасаввур бўйича эса: «Аллох – Ундан ўзга илох йўк». Аллох ягона, дунёда факат Аллохнинг Ўзигина ибодатга сазовор Зотдир. Яъни бандалар факат Аллохнинг айтганини килиб яшашлари, факат Унинг Ўзигагина банда бўлишлари керак. Факат Аллох таолонинг Ўзигагина итоат этишлари, сизинишлари, бўйсунушлари ва факат Ундангина кўркишлари лозим. Факат Аллохнинг шариати, конун-коидалари, дастури асосида яшашлари зарур.

«У Хайй ва Кайюмдир». Ягона Аллохнинг тириклиги Ўзигагина хос алохида хаёт бўлиб, бандалар хаётига ўхшаш бошка масдардан берилган эмас. Бу хаёт азалий ва абадийдир. Бошланиш чегараси хам, тугаш чегараси хам йўк. Аллохнинг тириклиги хеч бир жихатдан бандаларнинг хаётига ўхшамайди. Аллохнинг «кайюм»лик сифатининг маъноси – Аллох таборака ва таолонинг хар бир нарса устида турувчи экани ва хар бир турувчи нарса Унинг сабабидангина туришидир. Шу билан Аллохнинг туриши бошканикига ўхшамайди ва доимийдир. Бу сифат шу даражага етганки: «Уни мудрок хам, уйку хам олмас». Яъни У доимо сергак, бир лахза хам Унинг туриши сусаймайди.

«Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир». Осмонларда нимаики бўлса, ерда нимаики бўлса, хамма-хаммасининг эгаси Аллохдир. Бу эгалик умумий бўлиб, хеч нарсани четда колдирмайди. Бу эгаликни хеч бир нарса чегаралай олмайди.

«Унинг хузурида Ўзининг изнисиз хеч ким шафоат кила олмас». Бу хам улкан сифатлардан бўлиб, Аллохнинг ва банданинг макомини баён килиб беради. Бандаларнинг барчаси, ким бўлишидан катъи назар, Аллохнинг хузурида бандалигини тан олиб, туриб колади. Бу бандаликни чукур хис этиш шу даражага етганки, хатто хеч ким орага тушиб, бировга шафоатчилик килишга хам журъат кила олмайди. Факат Аллох изн берганларгина У Зотнинг изни билангина, У берган изн чегарасидагина шафоат кила олади. Бу сифат олдинги оятдаги «...ва шафоатчилик йўк» жумласидан истисно эканини билиб оламиз. Демак, умумий коидага биноан, шафоатчилик йўк, аммо истисно тарикасида Аллохнинг изни билан баъзи кишилар шафоат килишлари мумкин.

«У уларнинг олдиларидаги нарсани хам, ортларидаги нарсани хам билур». Бу сифат Аллохнинг илми шомил илм экани ва У Зот хамма нарсани Ўзининг чексиз илми билан билиб туришини билдиради. Аллох таоло бандаларнинг аввал килган ишларини хам, шунингдек, хозир килаётган ва келажакда киладиган ишларини хам билиб туради. Аллох

таолонинг илми чексиз ва ҳамма нарсани камраб олган, шу жумладан, бандалари билган ва билмаган нарсаларни ҳам билади. Бандалар эса: «Унинг илмидан ҳеч нарсани ихота кила олмаслар, факат Ўзи хоҳлаганини, холос». Демак, бандалар Аллох билишларини канчалик даъво қилишса ҳам, факат Аллох хоҳлаган нарсаларнигина биладилар, холос. Инсон «Илмнинг чўккисига чиқдим», деб жар солганда ҳам, факат Аллох изн берган озгина илмгагина эришган бўлади.

«Унинг Курсиси осмонлару ерни камраган». Одатда курси мулкка далолат қилади. Шунинг учун ушбу жумлани баъзи уламоларимиз айтганларидек, «Аллохнинг салтанати осмонлару ерни камраб олган», деб тушунсак бўлади. Аслида эса Курси ва унга тааллуқли нарсалар, бинобарин, ушбу жумла хақида уламоларимиз ўзларига етган далиллар асосида бир неча хил фикрлар айтишган. Жумладан, баъзи уламоларимиз Курсини «илм» деганлар. Шунга биноан, мазкур жумланинг маъноси «Унинг илми осмонлару ерни камраган» бўлади.

Буюк саҳобий Абдуллох ибн Аббос розияллоху анху ушбу жумланинг тафсирида: «Курси лугатда «икки кадам» деган маънони англатади. Аршнинг миқдорини Аллохдан бошқа билмайди», деганлар. Ушбу ва шунга ўхшаш бошқа ривоятларга асосланиб, уламоларимиз «Курси Аршдан бошқа нарса», дейишган.

Ибн Жарир Табарий Абу Зарр розияллоху анхудан келтирган ривоятда Набий алайҳиссалом: «Аршнинг олдида Курси худди кенг ерга ташланган темир халкага ўхшайди, холос», деганлар.

Ўтган уламоларимизнинг кўплари: «Курси Аршнинг олдида қўйиладиган поғонасимон нарсадир», дейишган. Шуларга биноан, ақийда бўйича мутахассис уламоларимиз: «Биз Аллохнинг Арши ва Курсиси борлигига иймон келтирамиз. Бу икки нарса одамларнинг арши – тахти ва курсисига ўхшамайди. У иккисининг ҳажми, кайфияти ва сифатини факат Аллох таолонинг Ўзи билади. Бизнинг эса уларни билишга ҳожатимиз йўк. Агар ҳожатимиз бўлганида, Аллохнинг Ўзи баён қилиб берган бўларди», дейишади.

«Уларни муҳофаза қилиш Унга оғир келмас». Яъни Аллох таоло осмонлару ерни муҳофаза қилиб, тасарруф қилишдан чарчамайди. Бу иш Унга ҳеч ҳам оғирлик қилмайди. Бу сифат Аллохнинг қудрати комил ва чексиз эканини кўрсатади.

«Ва У Алий ва Азиймдир». Аллох ҳамма нарсадан юқори ва олийдир, Аллох ҳамма нарсадан улугдир.

Имом Муслим ва имом Аҳмадлар Убай ибн Каъб розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Аллохнинг Китобидаги энг улуг оят Курси ояти экани таъкидланган.

Имом Насайй Абу Умомадан ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳиссалом: «Ким ҳар фарз намоздан кейин «Курси ояти»ни ўқиса, унинг жаннатга қиришини факат ўлим тўсиб туради, холос», деганлар. Яъни бу «Ўлмагани учунгина жаннатга қирмайди, агар вафот этса, уни жаннатдан тўсадиган ҳеч нарса қолмайди», деганидир.

Имом Бухорий Абу Хурайра розияллоху анхудан қуйидаги ходисани ривоят қилдилар:

«Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам мени Рамазон закотини саклашга вакил қилдилар. Биров келиб, тўпланган егуликдан ховучлаб ола бошлади. Уни ушлаб: – Ҳозир сени Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бораман, – дедим. У:

– Мени қўйиб юбор, бола-чакам бор, жуда ҳам мухтожман, – деди. Уни қўйиб юбордим.

Тонг отганда Набий алайҳиссалом:

– Хой, Абу Хурайра! Кечаги асиринг нима қилди? – дедилар. Мен:

– Эй Аллохнинг Расули, жуда ҳам мухтожлигидан, бола-чакасининг кўплигидан шикоят

- килган эди, рахмим келиб, кўйиб юбордим, – дедим. У киши алайхиссалом:
- Сенга ёлгон гапирган бўлиб, кайтиб келса-чи? – дедилар. Набий алайхиссаломнинг «кайтиб келса-чи» деганларидан унинг яна келишини билдим ва пойлаб турдим. У келиб, яна егуликдан ховучлаб ола бошлади. Уни тутиб олдим ва:
- Сени Расулulloхнинг олдиларига олиб бораман, – дедим. У:
- Мени кўйиб юбор, бола-чакам бор, жуда хам мухтожман, – деди. Рахмим келиб, уни кўйиб юбордим. Тонг отганда, Набий алайхиссалом:
- Хой, Абу Хурайра, кечаги асиринг нима килди? – дедилар. Мен:
- Эй Аллохнинг Расули, жуда хам мухтожлигидан, бола-чакасининг кўплигидан шикоят килган эди, рахмим келиб, кўйиб юбордим, – дедим. У киши алайхиссалом:
- Сенга ёлгон гапирган бўлиб, кайтиб келса-чи? – дедилар. Учинчи марта пойлаб туриб, яна ушлаб олдим ва:
- Энди уч марта бўлди, сени Расулulloхнинг хузурларига, албатта, олиб бораман. Хар сафар «Кайтиб келмайман», деб, яна келасан, – дедим. У:
- Мени кўйиб юборсанг, Аллох сенга манфаат берадиган сўзларни ўргатиб кўяман, – деди. Мен:
- Улар кандай сўзлар? – дедим. У:
- Кўрпангга кириб ётганинда, «Курси ояти»ни ўқисанг, Аллох тарафидан сени кўрикчи кўриб турадиган бўлади. Тонг отгунча сенга шайтон якинлашмайди, – деди. Эртасига Расулulloх алайхиссалом:
- Ўзи ёлгончи бўлса хам, сенга рост гапирибди, – дедилар ва: – Уч кундан бери ким билан гаплашаётганингни биласанми, Эй Абу Хурайра? – дедилар. Мен:
- Йўк, – деган эдим, у киши алайхиссалом:
- Ўша шайтондир, – дедилар».
- («Тафсири Хилол», 1-жилд)